



НОКИМИ

ҲОКИМИ

## Қ А Р О Р

2000 йил "3" июль

№ 161-Қ

Ташкилот, муассаса ва корхоналарга иншоотлар қуриш ва фойдаланиш учун ер майдонини ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5, 23, 57 моддаларига асосан ташкилот, муассаса ва корхоналарга иншоотларни қуриш ва фойдаланиш учун ер майдонини ажратиш тўғрисидаги туманлар ҳокимларининг қабул қилган қарорларини кўриб чиқиб

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ташкилот, муассаса ва корхоналарга иншоотларни қуриш ва фойдаланиш учун ер майдонини ажратиш тўғрисида Кўшработ тумани ҳокимининг "Самарқанд вилоят йўл ва кўприклардан фойдаланиш бошқармасига қишлоқ ёрдамчи хўжалиги ташкил этиш учун ер ажратиш ҳақида"ги 2000 йил 5 апрелдаги 99-қ, Пастдарғом тумани ҳокимининг "А.Яссавий номли жамоа хўжалиги аъзоларининг хўжалик худудидаги "Альтаир" фирмасига йилкичиликни ривожлантириш мақсадида ёрдамчи қишлоқ хўжалигини ташкил қилиш учун 10,0 гектар ер ажратиш ҳақидаги 1999 йил 15 февраль 1 сонли умумий йиғилиши қарорини тасдиқлаш тўғрисида"ги 1999 йил 26 февралдаги 74/2, Пахтачи тумани ҳокимининг "Фуқаро Курбонов Мирсалимга хусусий меҳмонхона-чойхона мажмуаси қуриш учун 0,20 гектар ер ажратиш ҳақида"ги 1999 йил 5 июлдаги 253-қ, Тайлоқ тумани ҳокимининг "С.Айний номли жамоа хўжалигининг Сочакипоён қишлоғидан автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонаси ва савдо дўкони қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида"ги 1999 йил 20 апрелдаги 245/4-қ қабул қилган қарорлари иловага асосан тасдиқлансин.

2. Вилоят ер ресурслари бошқармаси (Ш.Ахмедов)га хўжаликларнинг ер тўғрисидаги ҳисоботларига ўзгартиришлар киритиш топширилсин.

3. Мазкур қарорнинг амалга оширилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Бердимуродовга юклатилсин.

Вилоят ҳокими

Э.Рузиев

